

JOURNAL OF EDUCATION, ETHICS AND VALUE





НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

Аннотация:	<i>Ушбу мақолада қорақалпоқ адабиётида Алишер Навоий анъаналари руҳида газаллар ёзган Абилқосим Ўтепбергенов ижоди таҳлил қилинади.</i>
Калит сўзлар:	<i>лирика, шоир, шеър, ғазал, анъана, ижод, мерос, жанр, адабиёт, ғоя.</i>
Муаллифлар ҳақида маълумот	<i>Гуландом Қурамбоева Тошкент Педиатрия тиббиёт институти доценти филология фанлари доктори</i>

Маълумки, истиқлол йилларида ҳамма соҳаларда бўлганидек, ўзбек ва қорақалпоқ адабий жараёнида фахр билан таъкидласа арзийдиган юксалишлар, янги ғоя ва мавзу, янгича шакл ва мазмундаги кўплаб асарлар пайдо бўла бошлади. Қалам аҳлларига яратилган ижод эркинлигидан унумли фойдаланган ёзувчи шоирлар миллий мафкурага хизмат қилиш мезони асосида фаолият юритмоқда. Адабиётларнинг ўзаро алоқаларини тараққий эттиришга эътибор кучайтирилди. Ўзбек, қорақалпоқ ва жаҳон адабиёти тажрибасидан шу нарса маълумки, адабий алоқаларсиз бирор миллий адабиёт ривожланиб, катта ютуқларга эришиши қийин. Ҳар бир адабиёт тараққиётида ёки муайян ижодкор шоир, ёзувчи бўлиб шаклланишида адабий алоқа ва таъсирнинг роли сезиларли. Бу фикрни ижодкорларнинг ўзлари ҳам кўп бор таъкидлашган.

Адабий анъана ва ижодий ўзига хослик масаласи истиқлол даври қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқаларида алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар қандай миллий адабиёт ўз анъаналарини ўзга адабиётларнинг анъаналари билан уйғунлаштириб ривожлантирсагина, кутган натижасига эришади. Бу фикр алоҳида ижодкорларга ҳам тегишли. Бу тажриба яхши самара берганини ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқаларида кўриш мумкин.

Ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамма туркий халқлар, хусусан, қорақалпоқ адабиёти аҳли учун ҳам кадрли, ижоди ардоқланадиган шоирлардан бири. Қорақалпоқ адабиётининг ҳамма босқичларида Навоий ижодига фаол мурожаат қилинган. Асарларини қорақалпоқ тилига ўгиришга интилишлар бўлган. Шоир ижоди ҳақида махсус тадқиқотлар ёзилиб, нашр этилган. Истиқлол йилларида Навоий меросига қизиқиш, анъаналарини давом эттириш, улуғ шоир йўлида ғазаллар, мухаммаслар, арузнинг бошқа жанрларида шеърлар ёзишга иштиёқ кучайди. И.Ю.Суповдан тортиб, ҳозирги қорақалпоқ шоирлари ичида Шарқ мумтоз адабиёти, хусусан, Навоий меросига қизиқувчилар тобора ортиб борди.

Таниқли шоир Абилқосим Ўтепбергеновнинг адабий фаолияти бу масалада алоҳида ажралиб туради. У ўнлаб шеърый китоблар муаллифи. У роман ҳам ёзди. Драмалари ҳам сахналантирилди. Адабиётшунос олим, профессор Қувончбой Ўразимбетовнинг таъкидлашича: “Кейинги пайтда қорақалпоқ адабиётида ғазал жанрида қалам тебратиб келаётган шоирлардан бири – Абилқосим Ўтепбергенов. Шоир лириканинг бу бироз машаққатли ва мураккаб йўлини



танлаган. Энг муҳими А.Ўтепбергенов ўз ғазалларида шу жанрнинг ташқи шаклини сақлаб қолган ҳолда, унинг ички мазмуни ва тематикасини турлича жилвалантирмоқда. Ғазалда фақат ишқ-мухаббатни куйламасдан, турмушнинг бошқа муаммолари ҳақида ҳам фикр юритиш мумкинлигини далилламоқда¹”.

А.Ўтепбергенов ғазалларида баъзида Абулқосим, баъзан Жайхун тахаллусини қўллайди. У Шарқ адабиётининг Хожа Аҳмад Яссавий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Юнус Эмро, Фузулий, Насимий, Махтумқули сингари буюк шоирлари меросини ўрганган, улар ижодидан илҳомланиб, ҳар бирига алоҳида-алоҳида ғазал бағишлаган, мухаммаслар битган. Шоирнинг “Шоҳ шоирлар билан”¹ номли ғазаллар, мухаммаслар ва бошқа жанрдаги шеърлардан иборат тўплами мисолида муаллифнинг Шарқ мумтоз адабиётига муносабатини кўриш мумкин. Унинг ўзбек мумтоз адабиётига ихлоси ўзи бир олам. У Лутфий, Навоий ва Бобур ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Шоирнинг мухаммаслари орасида Навоий ғазалларига боғланганлари алоҳида туркумни ташкил этади. Шоир Навоийнинг ўн етти ғазалига тахмис боғлаган. Бунинг учун Навоийнинг машҳур ғазалларини танлаган. Мутафаккир шоирнинг “Келмади”, “Кўринг”, “Бўлмагай”, “Найлайн”, “Бўлган эмас”, “Тўзал ёрга”, “Нетарсан” радифли ғазалларига боғланган тахмислар муаллифнинг Шарқ ғазалчилиги, айниқса, Навоий ғазалиёти бадиий оламини яхши ўзлаштирганидан далолат беради. Навоий ғазалларига боғланган мисралар донишманд шоир байтларига ғоят уйғун. Бу қорақалпоқ шоирининг Навоий аънаналарини ўзига хос меҳр ва маҳорат билан давом эттиргани ифодасидир.

Ўз илмий фаолиятини бевосита адабий алоқаларга бағишлаган адабиётшунос олим, профессор Каримбой Қурамбоев шоир А.Ўтепбергенов ғазаллари ҳақида: “Абулқосимнинг Шарқ шеърияти аънаналари руҳидаги ғазаллари, мухаммаслари ҳақида ҳам ижобий фикрдаман. Шоирнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари, назиралари, шоир аънаналарини бугунги қорақалпоқ шеъриятида давом эттиришнинг ўзига хос ижобий самараси, ғазал мулки султонида бўлган ҳурматнинг бир рамзи деб ҳисоблайман,”² – дейди.

Тўғри, Абилқосим Ўтепбергеновнинг ҳамма мухаммаслари ҳам бадиият жиҳатидан Навоий билан “беллаша” олмаслиги табиий, шоир бу мақсадни - Навоийдек буюк даҳо билан “беллашиш”ни назарда тутмаган, албатта. Навоий ғазалиётида қўлланилган бадиий санъатларни мухаммас мисраларига таржимада татбиқ қилиш анча мушкул. Бу санъатларни Навоий даражасида фойдаланишда қорақалпоқ тили имкониятлари етарли бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат баъзи мухаммасларда кўринади. Лекин муҳими, янги даврда, янги адабий муҳитда Алишер Навоийга мурожаат, ғазалларини оммалаштириш, шоир аънаналарини бугунги қорақалпоқ адабиётига олиб киришдир. Абилқосим Ўтепбергенов мухаммас боғлаш баҳонасида шоирнинг ўн етти ғазалини қорақалпоқчага ўгирган. Демак, биз шоирни мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда Навоий асарларининг таржимони, деб бемалол айтишга ҳақлимиз.

Абилқосим Ўтепбергенов ўзбек адабиётининг бошқа шоирлари ижодини ҳам яхши билади. “Шоҳ шоирлар билан” китобидан Машраб, Огаҳий, Зебуннисо, Фурқат ғазалларига боғланган тахмислар ҳам ўрин олган. Э.Воҳидовнинг саккиз байтдан иборат “Ўзбегим” қасидасига боғланган мухаммас шоирнинг наинки ўзбек мумтоз адабиёти, балки замонавий адабиётидан ҳам яхши хабардорлигини кўрсатади. “Ўзбегим” ўзбек шеъриятининг

¹ Оразымбетов Қ. Ҳэзирги қарақалпоқ лирикасында кўркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2002. – Б. 40.

¹ Ўтепбергенов А. Шаҳ шайырлар менен. - Нөкис: Қарақалпақстан, 2014. – Б. 160.

² Қурамбоев К. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқалар. – Тошкент: Чўлпон, 2009. – Б. 401.



гултожларидан бири. Бундай қасида билан “мусобақалашиш”, унга мухаммас боғлашга ҳамма шоир ҳам журъат этавермаса керак. Абилқосим Ўтепбергеновнинг шоирлик тажрибаси, ғазалчилик анъаналарини яхши билиши мухаммаснинг муваффақиятини таъминлаган. У қўшган мисралар қасиданинг мазмунини теранлаштириб, унда илгари сурилган ғояни замонга мослаштирган. Масалан:

Кун сайын бийиклеп барар, озбегимнин қудирети,
Ашық аспан, ғарезсизлик, Алла берген зийнети,
Жайхуннын жанындай корген озинсен жигербенти,
Бул қасида саған, халқым, ақ сунин, дуз ҳурмети,
Эркин улынман, қабыл ет, озбегим, жан, озбегим.¹

Шоирнинг ўзи ҳам мумтоз адабиёт анъаналари руҳида ғазал, мусаддас, туюқ, рубоий, мусабба, мусамман жанрларида қалам тебратиб келаётган, ҳозирги давр қорақалпоқ адабиётини Шарқ адабиёти анъаналари билан бойитаётган сермахсул, серқирра ижодкор.

Абилқосим Ўтепбергенов ҳозирги қорақалпоқ адабиётида замонавий мавзуда “Хамса” ёзган биринчи шоир. Демак, у Навоийнинг хамсачилик анъаналарини давом эттириб, қорақалпоқ адабиётига янги йўналиш, янги жанр олиб кирди. Шу билан Навоийни қорақалпоқ халқига янада яқинлаштирди. Бугунги қорақалпоқ адабиётида бундай кўп қиррали шоир, Шарқ мумтоз адабиётига садоқатли, ўзбек шеърятини изчил тарғиб қилиб, эл назарига тушган ижодкор жуда кам. Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётини, айниқса, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини тарғиб қилиб, анъаналарини ўз ижодида давом эттираётган бошқа бир қорақалпоқ ижодкори деярли йўқ. У ўзбек адабиёти асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилишда ҳам фаол. Абилқосим Ўтепбергенов таржимасида Муҳаммад Алининг “Сарбадорлар” романининг қорақалпоқ тилида чоп этилгани қорақалпоқ таржима адабиётининг йирик муваффақияти бўлди.

Истиқлол йиллари ўзбек-қорақалпоқ, қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқалари ривожда ёзувчи-шоирларнинг мумтоз адабиёт анъаналари руҳида ёзган асарлари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

¹ Ўтепбергенов А. Шах шайырлар менен. - Нөкис: - Қарақалпақстан, 2014. – Б. 76.